

- \* Мактабда очик айтилмай, доим гапириладиган мавзу
- \* "Чимилдик" да Ойбекнинг Зарифахонимга аталган шеърлари
- \* Ўзбек пойафзали қачон дунё кезади?
- \* Оздирадиган дори ичиб, семириш мумкин экан



# Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 26 январь Чоршанба. № 8 (14290)

## Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг биринчи йиғилиши тўғрисида АХБОРОТ

Ўтган йилнинг декабрь ойида сайланган иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 22 январь куни Тошкентда ўз ишини бошлади.

Парламент биринчи сессиясининг биринчи йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов иштирок этди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьялари, чет давлатларнинг элчилари ва дипломатик корпус вакиллари, хорижий ва республика оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари ҳозир бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ Олий Мажлис биринчи сессиясининг биринчи йиғилишини Марказий сайлов комиссияси раиси Н.Комилов очди.

Депутатлар парламент биринчи йиғилишининг кун тартибини тасдиқладилар.

Олий Мажлисга ўтказилган сайлов яқунлари тўғрисидаги ахборот асосидан Марказий сайлов комиссиясининг раиси Н.Комилов сўзга чиқди. У сайланган депутатларни қизғин табриклар, қонунчилик фаолиятида уларга муваффақиятлар тилади.

Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президентини лавозимига расмий киришиш маросими иккинчи чақирик парламенти ишидаги тарихий онлар бўлиб қолди.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси депутатлар олдидаги ўз сўзида кенг демократик асосда бўлиб ўтган Президент сайловининг улкан аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтди. 26 мамлакатдан келган 120 дан ортиқ халқаро кузатувчи сайлов кампанияси демократик таъминлар асосида ўтганлигини эътироф этди. Бу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Халқнинг ўз хоширодасини эркин изҳор этиши натижасида Ислон Каримов сайловчиларнинг 91,9 фоиз овозини олди.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси залда ҳозир бўлганлар номидан Ислон Каримовни юксак ва масъулиятли лавозим - Ўзбекистон Республикаси Президентлигига

сайланганлиги билан қизғин муборакбод этди ҳамда унга Ўзбекистон Республикаси Президентини этиб сайланганлик тўғрисидаги гувоҳномани топширди.

Шундан сўнг сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси Б.Эшонов алоҳида таъкидлаб айтдики, Президент сайлови Конституция ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонун талабларига, шунингдек, чинакам демократия ва қонунийлик принциплари ҳамда нормаларига тўла мувофиқ ҳолда ўтди. У Ислон Каримовнинг халқ томонидан бевосита, умумий, тўғридан-тўғри, эркин ва тенг сайловда яширин овоз бериш йўли билан Ўзбекистон Республикаси Президентини этиб сайланганлигини Конституциявий суд тасдиқ этганлигини маълум қилди. Сайловда Ўзбекистон фуқароларининг сайлов ҳуқуқлари кафолатлари қатъий таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 92-моддасига мувофиқ Президент Ислон Каримов қуйидаги мазмунда қасамёд қилди: "Ўзбекистон халқига сардорат билан хизмат қилишга, республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президентини зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан".

Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳфияси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов депутатлар олдида маъруза қилди.

Шундан сўнг парламент ишида танаффус эълон қилинди. Олий Мажлис "Рада-Мажлис" овоз бериш электрон тизими ишини назорат қилиш учун депутат М.Миралимов бошчилигида депутатлар махсус гуруҳини тузди.

Парламентнинг биринчи йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг раҳбари А.Турсунов Олий Мажлис Раиси номзоди юзасидан сиёсий партиялар фракциялари ҳамда ҳокимият вакиллик органларидан ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блоклари раҳбарлари билан келишилган таклифни киритди.

Депутат Э.Халилов яширин овоз бериш йўли билан Олий Мажлис Раиси этиб сайланди.

Олий Мажлис Раиси юксак ишонч учун депутатларга миннатдорлик билдирди ҳамда мамлакат қонун чиқарувчи олий ҳоки-

мият органи иши янги давр талабларига, мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг стратегик йўлига ҳамisha монанд бўлиши учун бор куч, билим ва тажрибасини сафарбар этишга сўз берди.

Шундан сўнг сессияга Э.Халилов раислик қилди. Унинг таклифига биноан Б.Бугров ва Ф.Муҳитдинова Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари этиб сайландилар.


Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддасига мувофиқ Олий Мажлис Раисининг ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон вакили - Олий Мажлис депутати бўлади. Қорақалпоғистон Республикасидан сайланган Олий Мажлис депутатларининг тавсиясига биноан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Т.Камолов Олий Мажлис Раисининг ўринбосари этиб сайланди.

Ишчи гуруҳи раҳбари А.Турсуновнинг таклифига биноан Олий Мажлис парламент кўмиталари ва комиссияларининг таркибий тузилмасини тасдиқлади.

Парламент биринчи йиғилишида кўриб чиқилган масалалар юзасидан сўзга чиққан депутатлар - Ўзбекистон Ёзувчилар уюмаси раиси А.Орипов, Ўзбекистон халқ шоири Э.Воҳидов, Тошкент Шарқшунослик институти ректори Н.Иброҳимов, Олмалик кон-металлургия ҳиссадорлик жамияти раиси В.Сигедин, Шахрисабз туманидаги 2-шифоҳона бош шифокори П.Бадалбоева, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган Олий Мажлис депутатлари блокнинг раҳбари, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ректори А.Саидов сўзга чиқиб, Президент Ислон Каримовни лавозимга киришганлиги билан чин юракдан табриклар, мамлакатни янада ривожлантиришнинг ўз маърузасида таклиф этган дастурини қизғин қўллаб-қувватладилар ҳамда давлат раҳбарини Олий Мажлиснинг янги таркиби ўтказилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш учун бор куч ва ғайратини сафарбар этади, деб ишонтирдилар.

Йиғилиш сўнгиде Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов нутқ сўзлади.

Шу билан иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи йиғилиши ўз ишини яқунлади. Олий Мажлисининг биринчи сессияси қисқа муддатли танаффусдан сўнг ўз ишини давом эттиради.



## ИШОНЧ ҚАРВОНЛАРИ

МОСКВА. 25 январ (ЎЗА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).

Мамлакатимиз Президентини Ислон Каримов эрталаб Россия Федерацияси Президенти

чи В.Путин МДХ давлат бошлиқлари Кенгаши раиси этиб сайланди. Сўнгра

## МДХ: МОСКВА УЧРАШУВИ

денти вазифасини бажарувчи Владимир Путин билан учрашди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, шунингдек, МДХни ислох қилиш борасидаги масалалар муҳокама қилинди.

президентлар иштирокида кенгайтирилган мажлис бўлди.

Шу куни МДХга аъзо мамлакатлар ҳукумат раҳбарларининг мажлиси ҳам бўлди. Унда Украина Бош вазири В.Юшенко МДХ мамлакатлари ҳукумат бошлиқлари Кенгаши раиси этиб сайланди.

Шундан сўнг Кремлда МДХ мамлакатлари давлат раҳбарларининг ёпиқ мажлиси бўлиб ўтди. Унда РФ Президентини вазифасини бажарув-

Йўлбошчимиз Ислон Каримовнинг муқобиллик асосида Президентликка қайта сайланиши халқимиз, айниқса ёшларни жуда мамнун этди. Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу мактубларда юртимиз йигит-қизларининг тонгдек соф ҳис-туйғулари, ўз Президентига билдирган эзгу тилаклари ифодаланган.

Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида илк бор иштирок этганим ва Ислон Каримов учун овоз берганимдан бениҳоя фахрланаман. Юртбошимиз ёшларга барча имконият эшикларини очиб бергани, Ўзбекистондаги ҳар бир йигит-қизни ўз фарзандларидек кўриши бизни янада пухтароқ билим олиб, Ватан равнақи йўлида астойдил бел боғлашга ундайди. Шу билан бирга Яратгандан Президентимизнинг халқимиз, юртимиз бахтига соғ-омон бўлишларини тилаб қоламан.

**Гулнора ҒОЙИПОВА,**  
Наманган вилояти,  
Поп тумани

Мухтарам Президентимиз Ислон Каримов! Сизни мустақил Ўзбекистонимизга қайтадан Юртбоши этиб сайланганингиз билан бутун оиламиз номидан чин юракдан самимий табриклайман. Шундай йўлбошчимиз борлигидан юрагимиз ифтихорга тўлди. Аллоҳ ҳамиша Сизни ўз паноҳида асрасин.

**Дилмурод САИДОВ,**  
Тошкент шаҳри,  
Шайхонтоҳур тумани

Барчамиз учун азиз ва меҳрибон Ислон ота!

Мен Самарқанд Давлат чет тиллар институтининг инглиз тили филологияси факультетининг 1-босқич талабасиман. Шу йилнинг 9 январь куни барча курсдошларим билан Сиз учун овоз бердик. Сизнинг сайловларда галаба қозонишингизни билардик. Чунки халқимиз ва айниқса ёшларнинг сизга ҳурмати, меҳри баланд.

Олий ўқув юртимизнинг барча талабалари номидан сизга ваъда бериб айтаманки, биз ёшлар мустақилликни мустаҳкамлашда Ватанимизнинг

Ватанимизнинг янги асрадаги тақдирини ишончли қўлларда эканини яна бир карра англаб етдик.

Қадрли йўлбошчимиз Ислон

айтишимиз мумкин. Энди бизни ҳамма танийди. Ана шу ютуқлар ким ва нима сабабли бўлаётганини барча юртдошларим тушуниб етишларини жуда-жуда истар эдим.

## СИЗГА ҚАНОТ БЎЛАМИЗ

куч-қудрати, иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда ҳамиша камарбастамиз.

Сизга узоқ-умр, сиҳат-саломатлик тилаб

**Феруза ДИЁРОВА,**  
Самарқанд шаҳри

Хурматли Президентимиз!  
Улуғ инсонларнинг ишлари

Каримов! Машаққатли меҳнатларингизда муваффақият, ўзингизга соғлиқ-саломатлик тилаб қоламиз.

**Давлетёр НУРЖОНОВ,**  
"Камолот"  
жамғармасининг  
Нукус шаҳар бўлими  
раиси

Ўқишдаги муваффақиятларим учун Зулфия мукофотига номзодимни қўйишган. Қаранг, оддий ўзбек қизининг иқтидори, интилишлари нечоғли қадрланяпти. Мен бу эътибордан янада илҳомландим. Шу юртнинг, шу танти элнинг фарзанди эканлигимдан гурурланаман.

**Дилдора АЛАМШАЕВА,** На-  
манган вилояти,  
Тўрақўрғон тумани



БИЗ ПРЕЗИДЕНТ ФАРЗАНДАЛАРИМИЗ

ҳамиша улуғ бўлади. 9 январь куни қорақалпоғистонлик 147400 нафар йигит-қиз эл-юрт тинчлиги, халқимиз ҳаётининг фаровонлиги, иқтисодий ривожланиши йўлида фидокорона жон куйдираётган инсонни Президентликка сайладик. Шу орқали

Ўзлигига қайтган юртимнинг бугунги ютуқлари мени жуда тўлқинлантиради. Бугун ўз байроғимиз, ўз Конституциямиз, ўз мадҳиямиз бор. Бугун жаҳон олдига Ўзбекман дея гурур билан

Хурматли Юртбошимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов!

Сиздек отаси бор юрт ёшларининг келажаги порлоқдир. Сизни ёшлар келажаги учун

қилаётган саъй-ҳаракатларингиз зое кетмайди, деб ишонтираман. Мустақилликка эришганимизга саккиз йилдан ошган бўлса-да, шу қисқа фурсат ичида оламшумул ўзгаришлар кўлга киритилди. Бу тўғрида кўп гапирляпти. Ва бу мисолларни доим тақорлаш керак деб ўйлайман. Токи Ўзбекистонни ўзига Ватан дея билган ҳар бир фуқаронинг кўнглидан, дилидан унга бўлган меҳр ўрин олсин. Мен халқ манфаатини, халқ фаровонлигини ўз манфаатидан устун қўйган Президент учун овоз берганиман. Бундай имконият борлигига шукр.

**Нилуфар ПАТИДИНОВА,**  
**Андижон шаҳри, И.Зиёев** номидаги таянч тиббиёт билим юртининг талабаси

Ҳақиқат қарор топиши муқаррар эди. Чунки бутун халқ ва айниқса ёшлар Ислон Каримов учун овоз берди. Ва онгли равишда сайловда иштирок этди. Мен эл таянчини устувор вазифа деб билган Президентимиздан миннатдорман. Ёшларга ўқишлари, ишлашлари учун кенг имкониятлар яратилганидан мамнунман. Мен бутун элимга фаровонлик ва тўқинлик тилайман. Фақат Юртбошимиз билан баҳамжихат, елкадош бўлсак бас.

**Мухаррам САРИБОЕВА,**  
Сурхондарё вилояти,  
Термиз шаҳри

Қадрли Президентимиз Ислон Каримов!

Сизни Ватанимиз Президентини бўлиб қайта сайланганингиз билан самимий қутлайман. Сизга юртимиз равнақи йўлида олиб бораётган фидокорона меҳнатларингизда муваффақиятлар тилайман. Минг афсуски сайловларда овоз бериш менга насиб этмади. Чунки 2000 йил 4 июлда эндигина 17 ёшга тўламан. Аммо ёшларимиз бошида Сиздек меҳрибон, ғамхўр отамиз борлигидан беҳад мамнуним.

**Дилфуза УСМОНОВА,**  
Марғилон шаҳри

## ОРЗУЛАРИ БИР ОЛАМ

Қурбонбой Абдулнӣёзов — Тошкент Тўқимачилик ва енгил sanoat институти III- босқич аспиранти. Инглиз ва рус тилларида мукамал сўзлаша олади. Компьютер сирларини пухта эгаллаган. Севимли машғулоти — шохмот ўйнаш. Сув спорти билан ҳам шуғулланади.

1986-91 йиллар олийгоҳнинг "енгил sanoat технологияси" куллийти чарм буюмлар технологияси мутахассислигида ўқиган.

Ҳозирги кунда "тўқимачилик технологияси ва материалшунослик" кафедрасида чарм буюмлар материалшунослиги бўйича дарс беради. Бир неча илмий мақолалари матбуотда чоп этилган.

— **Илмий ишингиз мавзуси нима?**

— Пойафзал sanoati учун маҳаллий хом ашёлар асосида елимловчи (полимерлардан ташкил топган эритмали) материаллар яратиш.

— **Айнан шу мавзунини танлашингизга сабаб?**

— Маълумки, бугунги кунга қадар пойафзал sanoati учун елимлаш маҳсулотлари юртимизга валюта ҳисобида четдан олиб келинади. Бу эса маҳсулот таннархининг ошишига сабаб бўлади. Мақсадим Ўзбекистонда полимер эритма асосида елимлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш, янгича технологиялар қўллаб сарф-ҳаражатни камайтириш.

— **Бизда азал-азалдан косибчилик ривожланган. Лекин одамлар**

асосан қиммат бўлса-да хориж маҳсулотини сотиб олади?

— Тўғри. Республикада кўпга пойафзал корхоналари ишлаб турибди. Бизда тери хом ашёси ҳам кўп, косибларимиз ҳам етарли. Лекин ачинарли ҳол шундаки, терини сифатли қайта ишлаш олмаёпмиз. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилётган пойафзал нисбатан арзон бўлса-да, талабга жавоб бермайди. Мар-

### Президент сипендиалари

кетинг — бозор талабини ўрганиб тезроқ замонавий пойафзаллар ишлаб чиқаришимиз керак. Масалан, Хитой пойафзаллари сифатсиз бўлса-да, лекин кўриниши харидорни ўзига жалб эта олади. Биз ҳам мукамал технологияни қўллаб, бозор талаб ва таклиф қонунига эътибор берган ҳолда, елимлаш маҳсулотини ўзимизда ишлаб чиқарсак, сифатли, арзон ўз пойафзалимизга эга бўламиз.

— **Ўзингиз қайси мамлакатнинг пойафзалини қиясиз?**

— Эронда ишлаб чиқарилганини.

— **Сабаб?**

— Терига сифатли ишлов беради. Тағлиги ҳам бақувват.

— **Хорижга бориб келибсиз, деб эшитдик.**

— Ўтган 1999 йилнинг сентябрь-декабрь ойлари Грецияда бўлдим. Пирея технология институтида енгил sanoat маҳсулотлари технологияси йўналишлари бўйича

ўқув-методик ва илмий ишлар юзасидан тажриба алмашиб қайтдим. Ўқув тизими ва ишлаб чиқариш билан танишдим. Мен ўқув жараёнида шунга амин бўлдимки, тажриба ва амалиёт ишларимиз назарий жиҳатдан бир хил, аммо техника sanoati миздаги тафовут кўпроқ кўзга ташланади. У ердаги ускуналар ривожланган мамлакатлар — Швейцария ва Германияда ишлаб чиқарилган жиҳозлар бўлиб, автоматлаштириш кенг йўлга қўйилган. Битта ишчи ходим компьютер орқали бир нечта жараёни амалга ошириш имкониятига эга.

Талабалар ҳаётига келсак, мажбурий бўлмасда ўқитиш тизими мураккаб, ҳар бир назария амалда тадбиқ этилиши шарт. Талаба бирор ўзгариш қилиб, янгилик яратсагина у имтиҳондан ўтади. Ўқувчи синовдан ўтиши учун икки имконият берилади. Ўтолмас, ўша босқичда кейинги йил ҳам ўқишига тўғри келади.

— **Бугун нимадан кўнглингиз қувонади?**

— Илмий ишларимни тугатиш арафасидаман. Умид қиламанки, қисқа фурсат ичида режаларимни амалга ошириб, халқимиз хизматида бўламан.

— **Бўш вақтингизда нима билан шуғулланасиз?**

— Деярли бўш вақтим бўлмайди. Учта фарзандим бор. Рафиқам билан уларнинг тарбиясига эътибор беришга ҳаракат қиламиз.

**Н. ОТАМУРДОВ**  
суҳбатлашди

"Камолот" жамғармаси Тошкент вилояти бўлими томонидан Бўка туманида ана шундай байрам тадбири уюштирилди. Ундан кўзланган мақсад, ўсиб келаётган ёш авлодига она Ватанини севиш, улар қалбида ватанпарварлик ҳислатларини юксалтириш ҳамда маданий хордик

## БўЛАЖАК ПОСВОНЛАР БАЙРАМИ

чиқаришларига яқиндан кўмак бериш, Она ватан олдидаги йигитлик бурчларини ўтайдиган ёшлар қалбини яна бир бора ватан меҳри билан сугоришдан иборат эди.

Хушовоз хонанда Рустам Ғоипов ва "Камолот" жамғармаси қошидаги "Кўнгил" театр студияси актёрларининг намоиш қилган санъати ёшлар қалбида чуқур из қолдирди.

Ватанимиз келажаги ёшлар қўлида экан, уларни юксак маънавият ва илм соҳиблари, покиза, ҳалол ва меҳнатсевар инсонлар бўлиб етиштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

**А. МАГДИЕВ**

# Чимилдик

"ЧУРКИСТОҲ" газетаси иловаси. 2000 йил 26 январь № 4 (61)

Бўёвдан хойиржам бўл, ҳаммасига ўзим жавоб берман. Сен фақат... ўзини кўра ол. Аялга сираям билдира кўрма. Мен билан баънаслаҳат иш тўйи. Айриқичини эйлаб айиб болам. Донишманд билан бир оғилга билан биргудам зариқираб оғилди, кўнглини хуфтон эди. Аял аялга ўзига келан, гоё илаб ўтиришган эди. — Ўзим шундай... — дедим. — Мен... бир нас дам олмасам бўлмайди. Дониш

Ёшим 28 дан ўтиб, турмушга чиқдим. Албатта иккинчи хотин бўлиб. Эрим биринчи аёли билан ўзаро келишмовчилик сабаб ажрашган. Эшити-

ратмаган, бормаган жойим қолмади. Эрим эса ўглини соғинганини баҳона қилиб биринчи хотининикига кетиб қоляпти. Қанчалик ёмон бўлсада, фар-


қайиш

## ОПАМНИНГ ҚАЙНИСИНИ СЕВАМАН

Сиздан ёрдам сўраб мактуб йўллаётган қиз севги дардига мубтало бўлган. Уни ҳеч ким тушунишни хоҳламаяпти. Ҳаттоки бу дардни ўз бошидан ўтказган опаси ҳам. Ҳаммасини бир бошдан ёзаман.

1998 йили опамни кўшни қишлоқлик йигитга узатдик. У поччам билан бир институтда ўқиган. Уларнинг ўртасидаги муносабатга нафақат яқин қариндош-уруғ, балки дўст-душман ҳам ҳавас қиларди. Опам ана шундай икки йилгина умр кечирди. Тўсатдан поччам ҳеч қандай касалликсиз оламдан ўтди. Ота-онам опамни уйга олиб келишди. Лекин қудаларимиз билан алоқамиз узилмади. Кунора бе-

чоралар келинларидан хабардор. Айниқса қайниси Ҳасан. Шу келиб-кетишлар менинг юрагимга чўғ солди. Ҳасанни севиб қолдим. У ҳам мени севади. Яқинда уни уйлантиришмоқчи. Ота-онамдан олдин опам Ҳасанга тегишимга қарши туряпти. Мен бу хонадонга келин бўлиб унинг дардини янгилармишман. Опамнинг бахтсиз бўлишига мен айбдор эмасман-ку. Қани энди бир пайтлар севган опам севилган синглисини тушунса.



СОЖИДА

Мен бу хонадонга келин бўлиб унинг дардини янгилармишман. Опамнинг бахтсиз бўлишига мен айбдор эмасман-ку. Қани энди бир пайтлар севган опам севилган синглисини тушунса.

Қадрли "Чимилдик" ижодкорлари! Иловангизнинг ҳар бир саҳифасини ҳамisha интизорлик билан кутаман. Негаки, унда ёшларнинг ҳаётга, оилага, муҳаббатга бўлган муносабати ўз ифодасини топган.

часини кўрибоқ юрагимда аллақандай нафрат туйғуси пайдо бўлаверган. Ўз-ўзидан жаҳлим чиқиб кетади. Сизмаган ҳолда йигитлар билан жанжаллашиб қоламман. Неча бор бу одатимдан возкечмоқчи бўлдим. Иложим йўқ. Бу аҳволда турмушга чиқолмасам керак. Ўзимда кечаётган бундай ҳолатни изоҳлашга ожизман. Кўшни кампирнинг айтишича, "қари қизлар"ни парилар ўзларига банди қилиб олишар экан. Мен ҳам шулар тоифасидан бўлмай тагин?...  
ХИЛОЛА,  
Тошкент шаҳри,  
Акмал Икромов тумани

Энди ўзим ҳақимда ёзсам, ёшим 26 да. Турмушга чиқмаганман, Тошкентда оила қандай қуришам билса керак. Қиз билан йигит бирон жойда икки-уч марта учрашади-да, "ёқдими-ёқди" қабилида тўйни ота-она бошлаб юбораверади. Хурилиқо эмасман, аммо қанча йигитлар билан учрашувга чиққан бўлсам, бар-

## ПАРИЛАРГА БАНАЙМАНМИ?

Тўрт-беш йилдан буён отам руҳий касалликка чалиниб қолди. Вақти-вақти билан ўзининг нима қилаётганини, нима гапирётганини билмайди. Шунда бутун оиламизнинг

Мен ҳам бу йил институтни битираман. Севган қизим йўқ. Тўғриси, севишни хоҳламайман. Унинг ҳам ота-онаси қизини бизнинг хонадонга келин бўлиб тушишини

## СЕВИШНИ ИСТАМАЙМАН

кўнглига мунг тушади. Ахир... Акам 27, опам эса 25 ёшда. Ҳали оила қуришмаган. Қанча қизларни топдик, совчилар келди. Отамнинг аҳволини кўриб, айниб кетишяпти. Онам бечоранинг дарди ҳамманикидан ортиқ, бир эрига куяди, бир болаларига.



хоҳламайди. Ўзимнинг ҳам, бировнинг ҳам куйишини истамайман. Фақат Худодан илтижойим, отамнинг дардига шифо берсин. Одамларнинг таъна-дашномларидан қутилайлик.

ФЕРУЗ,  
Навбахор тумани

## ИККИНЧИ БАХТСИЗЛИК

шимча кундошим анча бойвачча хонадоннинг эрка қизи бўлган. Хуллас яқинларимнинг маслаҳати билан (яъни ўртада турганларнинг) эримни биринчи хотинидан кўрмаган рўшноликларни кўрсатмоқчи эдим. Қайнота-қайнонамга муносабатимни яхшиладим. Кам бўлганим йўқ. Маҳалла-қўйда обрў-этиборлик, ибратли келин бўлдим.



зандли аёлни барибир ҳамма кечираркан. Ҳаттоки етти пуштига қирон келтириб қарғайдиган қайнонам ҳам гоҳида билмай қолиб менинг олдимда ўглидан келинининг ҳол-аҳволини суриштиради. Ҳаётимдаги ўз бахтсизлигим учун ҳеч кимни айбламайман. Фақат битта хато қилдим. Ҳақми, ноҳақми, фарзандлик аёлнинг ошига шерик бўлдим. Шунга ўзимни кечирмайман.

ДУРДОНА

## МЕН СЕНГА ИШОНДИМ

Гулчехрани ота-онам топган. Нолимайман, жуда яхши аёл. Хотин бўлса шунчалик бўлар. Эгизакларимиз бор. Яқинда бир ёшга тўлишади. Шу кунларда тўғриси ичимга чироқ ёқса ёришмайди. Божамникига тўйга боргандим. Шунда бир-икки йигитнинг кайфи ошиб жанжаллашиб қолишди. Уларни ажратмоқчи бўлганимда Санжар исмли бола аслида бировнинг хасмига кўз олайтирган сени дўппослаш керак, деб қолди. Ҳеч нарсани тушунмадим. Кейин билсам у армияга кетмасдан олдин Гулчехрани яхши кўрар экан. Аламимга чидолмай, Сан-

жарга ёпишдим, лекин у мендан олдин чақонлик қилди. Бошим ёрилиб уйга қайтдим. Гулчехра мендан ким билан жанжаллашганимни сўрамади, ўзим айтолмайман. Чунки хотинимни яхши кўраман. Ишонман, у ҳеч қачон бировни севамаган. Лекин нимагадир кўзини мендан олиб қочади. Балки бу ёшлиқдаги хатоси учундир. Фарзандларимиз ҳаққи-хурмати, Гулчехра сени айбдор деб санамайман. Фақат кўнглим хижиллигини ёзиб, қувнаб юрсанг бўлгани.

ФАРҲОД,  
Оқтош тумани

Ўгай отам билан бирга яшаймиз. Шу сўзни ёзганман ўзим уялиб кетяпман. Адажоним шу пайтгача бирор марта менга нисбатан ётлик қилганини кўрмаганман ҳам, сезмаганман ҳам. Ойим ўз отам ҳақида га-


## ЎГАЙ БЎЛСА-ДА, ЎЗДАН АЗИЗ



пиришга ботинолмайди. Аммо катта йигит бўлиб қолганим учун ҳаммасини билиб олдим. Ҳайрият, ўшандай разил, фарзандидан возкечган одамни танимай утяпман. Хурматли "Чимилдик", бу хатимни албатта чоп эт. Бундан 12 йил олдин мени ота дейиш бахтидан жудо қилмоқчи бўлганлар ўқисин. Мен отам билан кам-кўстсиз яшайман. Ўз отамдан нафратланаман, уни ҳеч қачон кечирмайман.

ХУМОЮН,  
Тошкент шаҳри,  
23-мактаб ўқувчиси

Ўзимни хойиржам тўтишига ўқиб, билмадим. Лекин менга... раво-қайишми тобора олдириб қўйсан. Ёшимизда Сўради ҳам



# О И Б Е, Ж : "КЎЗЛАРИ ЧЎЛПОНДЕК НОЗЛИ СЕВГИЛИМ!"

**Ойбекнинг севгилиси Зарифахонимга  
атаб битган шеърлари**

Бир тола сочингми бўйнимнинг боғи?  
Темир занжир каби — уза билмаймен.  
Қонларга бўялсин шоир ётоғи,  
Мен бир кун ҳанжар-ла қалбни тилгаймен...  
Айрилиқ йиллари оғир юк каби,  
Кифтимга чўкмишдир, нозли севгилим!  
Севгинг саҳросида кўрмагач сени,  
Ёнгинда жизғанақ бўлди ёш дилим...  
Ёшли кўзларимдан сира кетмайди,  
Қовушган кунларнинг у олтин изи.  
Чолгимнинг инграши сенга етмайди,  
Мангулик қочдингми, эй хаёл қизи?

Савдонинг ипаги қалбим ўради,  
Рухимда булбуллар дард-ла йиғлади.  
Севгилим, хаёлинг мангу боғлади,  
Шу ўксик кўнглимга нега боқмадинг?..

Хаёллар уфқимда гўзал юлдузим,  
Кўрмасам дард сочар қонли кўзларим.  
Энди боқ менга, эй оташин шеърим,  
Шу ўксик руҳимга нега кулмадинг?..

Хой, гўзал, менга боқма,  
Кўксимни ўт-ла ёқма.  
Бир пари каби кулиб,  
Қаршимда нола тақма.


Сочларинг тола-тола,  
Лабимда гизли нола.  
Ичимда тўла ҳасрат,  
Найлай... Эвоҳ, бу ҳола...

Дардингда ёнди бошим,  
Кўзларда қонли ёшим.  
Йўқ...Кечир...Энди бир кул,  
Сен кўнгил орқадосим.

Тингла шеъримни, севгимдан куйлар,  
Ҳижрон йўлларим азобин сўйлар.  
Сендир қалбимда мангу ҳилола,  
Куйилур шеърлар мисли шалола.

Ҳануз ишқ маъносин сен англамайсан,  
Ўртанди сийналар, сенда йўқ учкун.  
Кеча йиғлаб ўтдим мен эшигиндан,  
Бир нишон топмадим, изларинг — куюн.  
Айт, нечун севгингга бўлмишмам туткун,  
Кўрмайман кўзингда ишқдан бир учкун.

Йўлингда кутдим,  
Ҳасратлар ютдим.  
Хажринг-ла кўпдан,  
Ўзни унутдим.  
Сен ҳеч келмадинг,  
Дардим сезмадинг.  
Чаманлар ичра,  
Бирга кезмадинг.  
Аввал ўқ отдинг,  
Кўнглим қонатдинг.  
Сўнгра, юлдузим,  
Қайларга ботдинг?  
Малагим, бир боқ,  
Борлигимни ёқ.  
Оҳ, ёшлиқ чоғим,  
Бир кузги япроқ.



## УЗОҚДАҲ ТУРИБ...

Кўзлари чўлпондек нозли севгилим!  
Бир қараш ташладинг, мен севдим сени.  
Хаёлинг эсларкан, қонайдир дилим,  
Ёлборай, гўзалим, унутма мени!

Дарёлар сингари кўнглим жўшқиндир,  
Бир тола сочинг-ла боғланиб қолди.  
Кўксингда ётганим на гўзал кунди,  
Айрилиқ сийнамга ёнгинлар солди.

Хаёлдек йўқолди яйраган чоқлар...  
Дардинг-ла сўнаркан қора, шўх кўзим.  
Сени эркалайди денгиз, қирғоқлар,  
Кўзлари чўлпондек нозли севгилим!

Ҳеч йиғлама, ҳеч қайгурма дардли қиз!  
Кўзларингдан эрк юлдузи сўнмасин.  
Нашъалардан хаёлингга маржон тиз,  
Кипригингга асло хузун кўнмасин.

Ёш кўнгишлар шўхлик қилса ярашар,  
Тоғлардаги булоқ каби шўх, шод бўл!  
Шўх руҳларда ҳаёт қайнар, ишқ тошар,  
Баҳорингни хароб қилмас, алам, дўл.

Янги ўйлар, янги куйлар тошаркан,  
Қора, кўрқинч хаёлларни от узок!  
Шўхликлардан ёш кўнглингга қанот тоқ!  
Нурли кунлар, ипак тунлар қизисан!



Муҳаббат деб аталмиш сирли-бир қалбгоҳ борки унинг саждасига бош эгган ҳеч бир қалб уни титроқсиз эсламайди. Куз хазонларидек сокин, баҳор ёмғиридек жилокор, ёз чилласидек жазирамали, қиш қаҳратонидек зулмкор муҳаббат шоҳнида, гадо-

бўлиб қолган герцог Веллингтон жуда ўзига бино қўйган йигитлардан эди. У умри давомида фақат қизларнинг сеҳргарига айланб қолишигина истарди. Турли давраларда шунинг учун энг бадавлат оила аёлларига ёқишни истарди.

вирлаб беришолмасди. Тақдирнинг ўйинини қарангки, не-

умрбод севамиз. Аммо Катеринанинг отаси қизини бу йигитга турмушга чиқишини асло истамасди. Қизнинг отадан берухсат орттирган муҳаббати қаттиқ жазоланади. Веллингтонни Ҳиндистонга ҳарбий

Ва ниҳоят ҳарбий хизмати тугаб, Веллингтон ватанига қайтади-ю кўзлари ўз севгилисини танимай қолади. Ваҳолангки кечасию кундузи фақат шу қизни ўйларди. 9 йил йиғлайвериб юзлари шишиб кет-

# САРКАРДАНИНГ МЎНГЛИ ДАРДИ

нида ўз йўлида қурбон қилаверади. Жаллоддан, ўлимдан кўнглинг кўрқади, ишқни эса одамлар орзулашади. Энг чиройли ташбеҳлар, энг гўзал мушоира тўрида шу калом туради. Машҳур инглиз саркардаси кўплаб жангларда мағрур юришлари, сўнгсиз ғалабалари билан дунёни, айниқса инглиз хонимларининг тилларида дoston

Лекин тақдир уни аёвсиз жазоларга лойиқ топди. Бировларнинг муҳаббатини оёқ ости қилиб, улардан кулиб юривчи герцог севиб қолди. Севганда ҳам мўъжизавий, ҳам ғарибона. Мағрур юрак кўпчилик аслзодаларнинг оромини ўғирлаган мард Гонгфорднинг қизини ёқтириб қолди. Унинг исми Катерина эди. Катеринанинг чиройини ҳатто қизнинг замондошлари ҳам тас-



неларни писанд этмаган гўзал қиз оддийгина герцогга мойиллик билдирди. Катерина ва Веллингтоннинг бахтли ва саодатли кунлари бошланди. Ҳар учрашувда икки ошиқ ўртасида қасам ичиларди: Бир-биримизни

хизматга жўнатиб юборишади. Икки ошиқ ўртасини фақатгина ширин армонлар боғлаб турарди. На хат, на хабар кулоққа етиб келмасди. Хурилиқо Катерина эса суюкли ёрини сабр-бардош билан кутиб яшайверди. Орадани 9 йил ўтади. Бунгача не-не нохуш хабарлар етиб келмайди, Ҳиндистонга етиб бормайди, дейсиз. Аммо илоҳий муҳаббат уларни ҳар гумон-шубҳалардан асрайди.

ган Катерина бетида ёпиғлик турган пардани очишга зўрға рози бўлади. Лекин шу туришда у дунёдаги хунуқлар сардори бўла олиши мумкин эди. Чечак унинг гулчехрасини аллақачон бадбашара қилиб қўйган эди. Веллингтон учун бундай хунуқ башара тўсиқ бўла олмади. У дабдабали тўй қилиб, бир пайтлар жондан ортиқ севган қизига уйланди ва бутун умр у билан яшади.

Сўнги беш-олти йилда дунё хабарларининг оқими шу қадар кенгайдики, энди ҳар кунги янгиликлардан кунда эмас, соатида бохабар бўлишингиз мумкин. Аммо бунинг-да салбий ва ижобий оқибатлари бор. Ижобийлиги — билмаганимизни билиб оляпсиз. Салбий оқибатлари эса... Келинг, яхшиси турмушимиздан олинган бир-икки воқеалар билан уларни ҳикоя қилиб бера қолай:

Алишер ўзига тўқ оиланинг яққаю-ёлғиз ўғли. Унинг атайлаб туғилган кунда видео олишди. Тўғри, киноларни Алишердан кўра ота-онаси кўпроқ кўрар эди. Аммо, болакай ҳам улар йўғида бирма-бир кино кўришни одат қилди. Кунларнинг бирида, ота-она яхшилаб беркитдим, деб ўйлаган кассета боланинг қўлига тушди. Авваллари дўстларидан бир-икки марта эшитган "катталар ҳаётини" ўз кўзи билан кўргач, ғалатиноқ бўлиб қолди. Энди ҳар кун кино мактабдан эрта-роқ келишга ҳаракат қилиб, дўстларини ҳам уйига чақира бошлади. Битта кассета жонларига тегиб, юқори синф ўқувчиларининг бош-қошлигида янгидан-янги фильмларни кўнгиллари тусадди.

Хушёр ўқувчи ушбу фильмлар ёлгон эртақлару мультфильмлар эмаслигини сезаётган бўлса керак. Хуллас, шу зайл уч-тўрт ой ўтди. "Шубҳали йигитчалар"нинг узун-қисқа кириб чиқаётганларини кўрган кўни-кўшнилари ота-онани огоҳликка чақирди. Аммо уларнинг-да парвои фалак эди. Кўза эса кунда синди. Икки нафар 11-синф ўқувчиси ҳамда Алишер ўз синфдошлари С. исмли кизни кино кўришга чақирди. Содда эдими ўша киз ёки қизиқувчан, билломадик.

Билганимиз ўша кун унинг номуси поймол бўлган.

Билганимиз С. бошига тушган фожеани англай олмай жонига қасд қилишга урунган. Яхши ҳам кўшнилари бор экан. Бақир-чақирни эшитиб, "Ким бор", дея эшиқдан кириб келишди. Суд ҳам ўтди, ота-она изза ҳам бўлди. Ўқитувчиларнинг боши ҳам. Йигитлар ҳам ўз жазосини олди. Аммо фожеа илдизи қирқилмади...

Бугун мактаб ўқувчилари савдо дўконлари олдидан бефарқ ўтишолмайди. Сабаби у ердан сақич, пуфак, турли ширинликлар харид қилишлари мумкин. Аммо ўша "зиё"масканларида яланғоч малласоч хонимлар сурати туширилган картадан тортиб фақат дорихоналардан топиллиши лозим бўлган "баъзи" буюмларгача сотилади. Болалар ўша матоҳларга эътибор бермайдилар деган кафолат борми?

Ёки газетамиз томонидан қайта-қайта таъкидланаётган яна бир масала. Кузатган бўлсангиз керак, одамлар гавжум ерларда, метроларга киравериш ва автобус бекатларида турли хорижий газета ва журналлар, китоблар сотиш одатий тус олган. Улар орасида ўзбекона тарбия ва маданиятга тўғри келмайдиган, асл мақсади фарб турмуш тарзини ташвиқот қилишдан иборат бўлган нашрлар ҳам ўрин олган. Шу ўринда ўша сотувчилар ва улар тарқатаётган "молларни" тафтиш қилувчилар борми, деган савол туғилади. "Спид-инфо", "Экспресс газета", "Плейбой", "Казанова" каби журналларнинг илк саҳифасиданоқ, у нимани тарғиб қилаётган-

ни маълум. Биз кузатган манзилда қандайдир ўн беш дақиқа орасида уч ўспирин бола ана шу "адабиёт"лардан икитасини харид қилиб кетишди. Сотувчидан, нима учун катталарга мўлжалланган газеталарни ёш болаларга сотдингиз, дея сўраганимизда: "Мен бермасам, бошқа бировлардан барибир олишар эди. Нима қилай, менинг ҳам тиркичилигим ўтиши керакку", дея жавоб

# ПАРДА

қайтарди. Билмадим, балки биз яхши билиб-билмаган бу газеталар ичида улар учун баъзи фойдали маълумотлар керакдир. Балки шундай мавзуларга одамларда қизиқиш бордир. Катталар ҳам, болалар ҳам "борига барака" қилаётгандир. Лекин ҳар нима бўлганда ҳам фарбнинг турмуш даражаси ва маданияти, маънавияти бўлак. Баайни уларнинг дунё-



ёхш ўсмирлар билиши мумкин ва мумкин бўлмаган масалалар ҳақида мулоҳазалар

араши билан бизники орасида осмон билан ерча фарқ бор. Ўзбек ўғил-қизларимизни бизга етти ёт бегона китоб ва "кабель" телевидениеси орқали тарбия топишига йўл қўйиш жиноят билан тенг. Чунки — бу ер Шарқ. Шарқда эса, маълумингиз бўлсинким — "парда" бор. Ва у кўтарилмайди.

## САБОҚЛАР

"Одам анатомияси" деган дарс ўтилар эди. Муаллимимиз эркак киши бўлгани учун ҳам "уятли мавзу" ўтиладиган дарсда бошимизни ердан кўтармай ўтирардик. Шўх ва ҳазилкаш ўғил болаларимиз ҳам жим. Ер ёрилмадию... Аммо устозимизнинг парвоиёга келмади. Икки кун кетма-кет фақат "қулоққа айтиш мумкин бўлган гапларни" 41 нафар болага тап тортмай сўзлаб берди. Ўша-ўша бундай гап ва мавзулардан ўзимни олиб қочаман.

Баъзан шундай кунлар бўлади-ки, мактабга боришга мадорим келмас эди. Аммо бу тўғрида кимга айта олар эдим. Онамдан уяламан. Ўқитувчиларим — бегона. Қизлар ундай кунларда аналгин ичиб юр, дейишган. Шунга амал қилганман. Болалигимдан ўсмирликка қадам қўётганимда энди билсам, ёнимда маслаҳатгўй дўст бўлмаган экан. Мен дугоналаримдан эшитган узук-юлуқ маълумотлар билан "катта" бўлганман.

**СЕВАРА А.**

**Тошкент вилояти, Бўзсув**

Севара бошидан кечирган воқеалар кўпчиликлари таниш бўлса керак. Ўзига сирдош топа олмаслик — ўсмирлар учун жуда огир ҳолат ҳисобланади. Чунки бу даврда ёш организмда катта ўзгаришлар рўй бериб одам руҳияти ҳам дўстга зор бўлиб қолади. Ўша ўтиш даври қўлдан чиқарилмаса, жамият ҳам маънан етук, ақлли ва соғлом бир шахсга эга бўлади.

## ҲЕЧДАН КўРА — КЕЧ

Бизнинг суҳбатдошларимиз шахри-сабзлик Навбахор ва Фаёза. Улар ўтган йили мактабни тамомлашган.

**НАВБАХОР:**

— Мактабимиз қоқоқ десам, уят бўлади. У ҳар томондан кучли ўқитувчиларга эга. Сиз сўраган мавзуларни эса очиб берадиган устозлар бўлган. Аммо

жуда кеч.

Яъни биз ўтиш даврини бошимиздан кечириб бўлганимиздан сўнг — 11-синфда ўқиётганимизда қиз ва ўғил болалар организида рўй беражак ўзгаришлар ҳақидаги мавзу дарс жадвалига киритилди.

**ФАЁЗА:**

— Бизга 8-синфда муаллимимиз "Одобнома" дарси чегарасида қизларда бўладиган ўзгаришлар,

## ДИРЕКТОРЛАР НИМА ДЕРКИН?

Биз ўсмирларнинг жинсий тарбияси қай даражада олиб борилаётганини билиш ниятида пойтахтнинг Сирғали туман мактабларида бўлдик. Авваламбор шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Сирғали туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Феруза Орипова етакчилиги ва туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида "Қизлар клуби" ташкил қилинган. Клуб қизларнинг жинсий тарбияси, ёшларни оилага тайёрлаш ва шу каби қатор масалалар билан шуғулланади. Ва деярли барча мактабларда ушбу клубнинг тармоқлари мавжуд.

**Суҳбатдошим Сирғали тумани 304-мактаб директори Лола Сайфулдинова:**

— Ўсмирларни ҳаётга тайёрлаш, уларни ҳар томонлама билимли қилиб тарбиялаш осон иш эмас. Бизнинг мақсадимиз ҳар битта ўқувчи билан алоҳида-алоҳида иш олиб бориш. Чунки ҳар бир боланинг ўз дунёси бўлади. Биз ўша дунёни жабрлаб қўймаслигимиз, беъэтибор қолдирмаслигимиз керак.

Мактабимиз қошида "Нафосат" қизлар клуби ташкил қилинган. У ўсмир қизларни жамлаб, аниқ режа асосида иш олиб боради. Бизнинг мавзу доирамиз жуда кенг: қизларни келинлик ҳаётига тайёрлаш, ахлоқ, маънавият... Иложи борича мавзу қизларнинг ўзидан чиқишини хоҳлаймиз. Баъзан учрашувга ҳокимиятдан, шифохоналардан мутахассисларни таклиф қиламиз. Ота-оналар иштирок этадиган учрашувлар ҳам бўлади. Яқинда "Қизлар қандай ўзгаришлар" деган мавзуда мулоқот ўтказдик. Ундан сал илгари қизларда кузатилиши мумкин бўлган касалликлар хусусида суҳбатлашган эдик. Хуллас, дрим болаларимизни эътибордан чиқармасликка ҳаракат қиламиз.

**Наргиза Турсунова, 322-мактаб директори:**

— Мактабимизда қиз болалар билан мунтазам дарсдан ташқари мавзуда суҳбатлар ўтказиб турилади. Яқинда гинеколог-шифокорлар билан учрашув бўлди. Қизлар врачни шунчалар кўп саволга кўмиб ташлайди деб ўйламаган эдим. Уларни ҳамма нарса қизиқтиради. Улар саволлари, шубҳалари, мулоҳазаларини ичларида саклаб ўтирмай суҳбат қурганлари мени айниқса қувонтирди. Биз бундай нозик мавзудаги суҳбатларни нечоғлик ўзбекона, шарқона андиша, ифбат доирасида олиб боришимиз керак.

\* \* \*

Ҳақиқатдан ҳам шарқона андиша доирасидан чиқилмай ўтказилган суҳбатлар эртага миллатимиз гурури — бўлажак ёшлар тарбиясига фақат ижобий таъсир кўрсатади. Агар ўз вақтида ўсмир йигит ва қизларнинг саволларига ўзимиз жавоб бера олмасак, ота-оналар бу вазифани мактабга, мактаб — шифокорларга, шифокорлар турли дастуру оммабоп адабиётларга ағдараверса, ўртада бировлар таъсиридаги болалар қолади.

Жинсий ҳаёт ва тарбия ҳақида суҳбатлаша олиш ҳам санъат. Бу мавзунинг нозигу паст-баланд томонлари бор. Ундай суҳбатларни қалби ёруғ, болалар тилини биладиган, руҳини тушунадиганларга ишониб топшириш керак.

**ЯШНАР,  
"Туркистон" муҳбири**



"Ер-ёр"ни соғинган, "ёр-ёр"ни кутган қора тун бағрида оппоқ гулдайн келинчақ дийдорига муштоқ йигитларимиз! Аввало тенгсиз муҳаббат кутаётган бўлсангиз унга эришинг. Севгилингиз ёнингизда бўлса — унга етишинг. Кунглингизда мавж ураётган туйғулар уммони асло сўнмаслигини ва энг пинхона туйғуларингиз униб, амалга ошишини истар эдик.

Саҳифамизнинг бу галги меҳмонлари — қуёвлик остонасида турган, оппоқ оидин йўл бошида ўй сурган йигитларимиздир. Хўш, бугуннинг қуёвлари нимани орзу қилишади. Турмушдан ниятлари, умидлари қандай? Йигитларни ташвишга солаётган муаммолар борми? Келинг яхшиси бизни қизиқтирган саволларни уларга бериб, суҳбатга тортайлик.

Эҳ, бу қийин мавзу. Чунки ҳамма вақт ҳам ўйлаганинг ҳақиқатга тўғри келавермайди. Бир қизиқ гап бор. "Ҳамма қизлар яхши, ёмон хотинлар қандай пайдо бўлган экан" деган. Мен турмуш ўртоғи танлашда алданиш ва адашишдан қўрқмайман. Сабаби икки дўстимнинг оиласи икки йил ичида барбод бўлди. Тўғри, уларнинг сабаблари ва гуноҳкорлари турлича-ю...

Лекин хотинда ҳам гап кўпда. Хозир турмуш қийинчиликлари ни енгилга қодир, эрининг суянчиғи бўладиган хотин керак. Баъзи бировлар тагли-тахтли, бакуват хонадонлардан келин қилишни маъқул кўришади. Бўлажак келиннинг тақинчоқлари, кийим-кечаги тўй бўлмасидан олдин оғизга тушади. Менга унақаси керак эмас. Уйлансам ўзим қатори, меҳнаткаш оиладан қиз оламан. Энг аввало унга битта шарт қўяман: онам ва отамнинг хурматини ўрнига қўй. Бориға қаноат қил дейман. Агар кўнглимдагидек қизга учрасам, уни бошимда олиб юрардим. Гапларимни кулгига йўйманг. Мен илк муҳаббатимдан алданганман. Шунинг учун ҳам қатикни пуфлаб ичаман. Ёшим ҳам оз эмас 28 даман.

**ЖАСУР А. Тошкент**

— Аввал бола эканмиз, бу тўғрида бош қотирмасдик. Мана балоғатга етиб ҳаёт

тўғрисида, келажак ҳақида жиддий ўйлайдиган бўлиб қолдим. Олдинлари уйланиш ҳақида онам гап очсалар, осмонга сапчиб кетар эдим. Эндичи... Вақт илгариланган сари ҳаётга бошқачароқ қараяпман. Уртоқларим билан ишдан, ўқишдан сўнг кечку-

пазандачиликни, чеварликни ўрганиб олишяпти. Ҳазил-ҳазил қилиб уйлансақ "Машура" фирмасини тамомлаган чаққон қизларга уйланмоқчи бўлдик.

**ШУХРАТ.**

— Яқинда онам Шерзоднинг тўйи бўлди. Роса ўйнаб-кулдик.

# КУЁВТУРА



рун кўчада йигилиб турамыз, узоқ суҳбат курамыз. Сир эмас, қизлар ҳақида ҳам гаплашишни одат қилганмиз. Шундай суҳбатлардан бирида дўстим яқиндагина тушган келинойиси ҳали ширғурч пиширишни билмаслигини, яна бирови муамала маданияти йўқлигини гапириб қолди. Гап мавзуси биз танлажак умр йўлдошларига ҳам тақалди. Шунда биз дўстлар бўлажак келин илми, ақл-хушли бўлиши билан бирга пазанда, дидли ҳам бўлиши лозимлигини ўйладик.

Унга бахт тиладик. Аммо дўстим тўйдан сўнг камнамо бўлиб қолди. Олдингидек давраларга кўшилмайди. Улфатлар йигилиб бир чойхона палов қилишни ният этгандик. Мен Шерни уйига бордим. Йигилишга таклиф қилдим. Дўстим елка қисиб қўйди. "Уйдан ташқари чиқиб, ошна-оғайнига кўшилиб тур, эрта-индин керагимиз бўлади. Бундан ташқари неча йиллик кадрдонмиз" дегим келди-ю... индамадим. Сабаби, келинпошша овқат сузилганлигини айтиб чақириб қолди.

Мен бир нарсга ҳайронман, ҳамма уйланган йигитлар ҳам тўйдан сўнг уйдан чиқмай қоладими? Шерга ташқаридан қарасам, оёқ қўли "ихтиёрий" кишанланган йигитга ўхшайди. Уйланиб эркинлигини йўқотиб қўйсанг... мен доим шундан хавотирдаман.

**УСМОН САИДУМАРОВ, Хонқа**

# ҚАРЗ ОЛГАН МАЪҚУЛМИ ЁКИ ЖАМҒАРТАН?

Хозирги пайтда ойлик маошимиздан телевизор, совутиқч ёки машина сотиб олишимиз мушкул. Шунинг учун одамлар буюм олиш учун гоҳида бировдан қарз олади, баъзан эса ҳар маошидан аста-секин тўплайди. Сизга қайси бири маъқул? Агарда қуйидаги тестнинг 1, 3, 5, 7, 9 сўровларига "Ҳа" деб, 2, 4, 6, 8 ва 10 баъдларига "Йўқ" деб жавоб берсангиз ўзингизга икки балдан баҳо ёзинг. Саволларга берилган бошқа жавоблар ҳисобга кирмайди.

1. Баъзан пулимни яшириб қўйиб, кўп вақт тополмай овора бўламан.
2. Сотиб олинмиши зарур бўлган нарсаларни аввал ёзиб олиб, шунга асосан харид қиламан.
3. Маош олгач, бир ҳафта бойваччалардай яшайман. Кейинги ҳафтагача "худо-пошшо" дейман.
4. Мен ҳеч қачон ер ости ўтиш йўллари, электричка, автобусларда бирор нарса сотиб олмайман.
5. Атиги 3-4 тагина одам бўлса ҳам навбатда тургим келмайди.
6. Учрашувларга кеч қолишни ёқтирмайман. Ҳар бир ишда тартиб ва интизомни қадрлайман.
7. Чўнтагим қуруқ бўлса, ўзимни бахтсиз сезаман.
8. Ҳаётда фақат ўзимгагина ишонаман. Бошқалардан қарздор бўлиш



ни хоҳламайман.

9. Келажак ҳақида кам ўйлайман, ўтаётган ҳар бир кунимга шукр қиламан.

10. Осмонда учиб юрган турнадан қўлимдаги чумчуқ афзал деб ҳисоблайман.

**НАТИЖАЛАР**  
2-12 баллгача олган бўлсангиз, Сиз иродали, аниқ мақсадли инсонсиз. Ниманидир орзу қилган бўлсангиз, албатта уни сотиб оласиз. Пул йигиб нарса харид қилишни ёқтирасиз.

12-20 балл. Енгил табиатсиз. Пул ушлашни билмайсиз. Қўлингизда пул турмайди, пул жамғараман, деб хонтама бўлманг. Бирор буюм сотиб олишни хоҳласангиз, яхшиси қарз олинг. Аммо уни қайтариш кераклигини унутманг.

# К И М Х А Қ ?

Икки деҳқон далада ишлаб, энди тушликка ўтиришган эдики, бир йўловчи ўтиб қолди. Йўловчини ҳам тушликка таклиф қилишди. Биринчи деҳқон 7 та, иккинчиси эса 4 та кулчани олиб дастурхонга қўйишди. 11 та кулчани тенг тақсимлаб тушлик қилишди. Йўловчи тушлик учун раҳматлар айтиб, қўяда-қўймай чўнтагида бор пули 1 сўм 10 тийинни деҳқонларга бериб, йўлида давом этди. Деҳқонлар бу пулни қандай қилиб бўлиб олиши-

ни билмай қолишди. Уларнинг бири:

— Кел, тенг бўлиб ола қолайлик! - деса, иккинчиси:

— Нега энди? Ахир 11 та кулчага 1 сўм 10 тийин берилди. Демак, битта кулча 10 тийинга тўғри келади. Менинг 7 та кулчам бор эди, шунинг учун менга 70 тийин, сенга эса 40 тийин тегиши керак, - дейди.

Айтинг-чи, уларнинг қайси бири ҳақ?

# ДОИМО БОР БЎЛИНГ, ЯХШИЛАР!

Бирор жойинг оғриб, соғ танинг дардга чалиниб қолганда кўзингга олам қоронғу бўлиб кўринган экан. Соғлигинг — бебаҳо бойлигинг эканлигига шунда иқроор бўларкансан киши.

Мен ўтган 1999 йилнинг охирида ички терлама касали билан хасталаниб қолдим. Шундай аҳволда эдим-ки, яшашдан умидимни узгандим, ўшанда.

Йўқ, кейин билсам хато қилган эканман. Ҳаётда шу тоифа инсонлар бор экан-ки, улар сенинг соғлигинг, халқ хизмати йўлида ҳар вақт ёрдамга тайёр эканлар.

"Тез ёрдам" машинасида 5-республика юқумли касалликлар клиникасига олиб боришгач, мени ана шундай одамлар қарши олди. Олий тоифали шифокорлар Ҳожиакбар Якубов ва Флора Расуловаларнинг менга кўрсатган тиббий хизматлари бебаҳо бўлди. Улар қайта дунёга

келишимга сабабчи бўлишди, десам муболаға бўлмайди. Керакли дори-дармонларни ўз вақтида топиб бериб, туну-кун парвона бўлдилар. Айниқса, тиббиёт ҳамширалари Мадина Шукурова, Зухра Абдурахмонова ва Муборак Тўлагановаларнинг ширин муомаласи-ю, енгил қўлларидан ҳар қандай одам соғайиб кетади. Санитар ҳамширалар Насиба Юсупова ҳамда Турсуной Ибрагимоваларнинг беминнат хизматларини ҳеч қачон унутиб бўлмас.

Мен шифокорлар Ҳожиакбар Якубов, Флора Расулова ва бошқа барча тиббиёт ходимларига ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдираман. Инсонлар соғлигини тиклашдек савобли ишларида омадлар тилайман.

**Машкура ШОЙУСУОВА**

# НЕЧА СОАТ УХЛАМОҚ ЧИСИЗ?

Кўпчилик олимлар одам бир кунда камида 8 соат ухлаши керак, деган фикрда. Баъзилари аёллар бир соат камроқ ухласа ҳам бўлаверади, дейди. Яна кимлардир бу масалада одамзодга маълум бир чегара белгилаш мантиқсизлик деган фикрни билдиради. Масалан, Наполеон бир кунда кўпи билан 6 соат, Маргарет Тэтчер тўрт соат ухлаган бўлса, Леонардо да Винчи ҳар 4 соатда 15 минутдан мизғиб олган, холос. Агар шифокорлар билдираётган тавсиядан кам ухласангиз, аммо ўзингизни яхши хис этаётган бўлсангиз асло қайғурманг.

Бирок, баъзи тадқиқотларга кўра бир кеча-кундузда 6 соатдан кам ухлаганлар эртарақ вафот этаркан. Уйқусиз ўтилган тун инсон организмга икки кун тинимсиз маст бўлгандай зарар келтиради.

Канадалик олимлар фикрича, бир соат кам ухлаш инсон ақл-заковатини бирмунча пасайтиради. Чунки ухлаган пайтимиздагина миямиз олинган ахборотларни саралайди, баъзан муҳим муаммоларни тўғри ҳал этилишига замин яратади. Дунёдаги энг йирик халокатлар ҳам айнан тўйиб ухламаган одамлар томонидан содир қилинган.

Хозирда инсоният 25 йил аввалгига қараганда ўртача бир соат, ўтган асрга нисбатан эса 1,5 соат кам ухламоқда.

**"ЧИМИЛДИК"** "ТУРКИСТОН" ГАЗЕТАСИНING ИЛОВАСИ

**ИЛОВА ИЖОДКОРЛАРИ:**  
**ЛАЙЛО, ЯШНАР, ШАХНОЗА**

**САҲИФАЛОВЧИ:** БАХТИЁР

**Ҳурматли ГАДАЕВА Зулфия!** Сизни табаллуғ тоғал қуниқиз билан табриқлаймиз. Сизга олад ва бағи хатмиша ер бўлсин.

**Дўстларингиз!**

**Ағуз сизнига ПРОДАХОН!**

Сени 28 январь туғилган кунинг билан табриқлайман. Бахт-олад ҳамроҳинг бўлсин. Халмиша қулиб юр.

**Опанг Феруза ҚУВОНОВА**

**Ағуз ФУРҚАТЖОН!**

Сизни табаллуғ тоғал қуниқиз билан гий дундан табриқлаймиз. Сизга гинор ваби узук, аса ваби ширин ваби тилаймиз. Қуниқиз Шерзоджон ва қуниқиз Назогуназонлики бахтилик ва розатларини кўриб юришимизли истамаймиз.

**Рома, Роза, Эльвир Рифат, Исмоил**

**У:А** **ЛОНДОН.** Шимолий Ирландиянинг биринчи вазири Дэвид Тримбл Ирландия республикаси армиясини яқин тўққиз кун ичида қуролларини ташлашга даъват қилди. Акс ҳолда ҳукумат билан армия раҳбарлари ўртасидаги ҳамкорлик-е тиши деди у. Ирландия республикаси армиясини қуролсизлантириш 1998 йилнинг апрелида имзоланган Олстер тинчлик битимининг бир қисми ҳисобланади.

**П Е К И Н.** Сянган маъмурияти Хитойнинг Юннан вилоятида юз берган zilзиладан талофат кўрган кишиларга инсонпарварлик ёрдамини жўнатди. Бу ёрдам кийим-кечак, чодир ва қирқ тоннадан иборат гуруч маҳсулотидир.

Маълумотларга қараганда, Юннан вилоятида 15 январь куни икки марта кучи 5,9 ва 6,5 баллга тенг бўлган zilзила юз берган. Бунинг оқибатида 120 мингдан ортиқ киши уй-жойсиз қолган.

**А Л - Қ У В А Й Т.** 29 январь куни Швейцариянинг Давос шаҳрида АҚШ Президенти Билл Клинтон, Исроил Бош вазири Эхуд Барак ҳамда Фаластин раҳбари Ёсир Арафот ўртасида уч томонлама учрашув бўлиб ўтади. Фаластин маъмурияти расмий вакили Набил Шаат бу ҳақда журналистларга маълум қилиб, бўлажак учрашув Яқин Шарқда тинчлик ўрнатишда муҳим аҳамият касб этажанини таъкидлади.

**Т О К И О.** Халқаро денгиз бюроси маълумотига кўра, ўтган йили йўловчи кемаларни талаш ҳоллари 1998 йилдаги кўрсаткичга қараганда қирқ фоизга ошган. 1999 йилда қароқчилар 282 марта кема талаган бўлса, 1998 йилда 202 марта шундай жиноят содир этилган. Аммо 1998 йилда 78 киши қароқчилар қурбонига айланган бўлса, ўтган йили фақат уч киши ўлдирилган.

**В И Н Д Х У К.** Габонда Африкада тинчликни сақлаш кучларининг биринчи ҳарбий ўқув машқлари бошланди. Тадбирда олти мамлакат ҳарбийлари иштирок этмоқда. "Габон-2000" дея номланган мазкур ўқув машқларида ҳарбийлар уруш ва табиий офатлар вақтида аҳолига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш билан боғлиқ тадбирларда иштирок этади.

**М О С К В А.** БМТ Бош котиби Кофи Аннан 27 январь куни икки кунлик амалий ташриф билан Москвага келади. Россия ташқи ишлар вазирлиги маълумотига қараганда, К.Аннан ташриф давомида Россия раҳбарлари билан учрашади ва БМТнинг халқаро майдондаги фаолиятини янада

ошириш, хусусан, ташкилот раҳнамолигида фавкулдда вазиятлар халқаро агентлигига асос солиш каби масалалар юзасидан фикр алмашади. Шунингдек, учрашувларда Чеченистон масаласи ҳам муҳокама этилиши кутилмоқда.

**К О Х И Р А.** Мисрнинг "Ижипт эйр" ҳаво йўллари компанияси раҳбари Муҳаммад Фаҳим Райан АҚШ мутахассисларининг "Боинг-767" самолёти учувчининг айби билан ҳалокатга учрагани ҳақидаги баёнотини қўллаб-қувватлади. Ўтган йилнинг 31 октябрида юз берган мазкур ҳалокат оқибатида 217 йўловчи нобуд бўлган эди. Ўшанда АҚШ мутахассислари самолёт учувчилардан бирининг айби билан ҳалокатга учраган, деган тахминга келган эди. АҚШ миллий транспорт хавфсизлиги кенгаши раҳбарияти м а з к у р тахмин нотўғ-

яларнинг эса кўпайишига сабаб бўлмоқда, дейилади шу ҳақдаги маълумотда.

**А Ф И Н А.** Греция Россия ва Украинадан иккитадан "Зубр" русумли десант кемасини сотиб оладиган бўлди. Греция мазкур давлатларнинг қурол-яроғ экспорт қилувчи идоралар раҳбарлари билан ушбу ҳарбий савдо тўғрисида шартнома имзолади.

**А Б У - Д А Б И.** Бирлашган Араб Амирлиги (БАА) қирғоғига яқин жойда 980 тонна нефт маҳсулоти ортилган танкер денгиз тубига фарқ бўлди. Ҳалокат сабаблари тўғрисида ҳозирча аниқ маълумот йўқ.

Сўнги хабарларга қараганда, нефтнинг 200-300 тоннаси денгизга тўкилган. Айти пайтда БААнинг АДНОК нефт компанияси ҳалокат юз берган жойда қутқарув ишларини олиб бормоқда.

**Е Р Е В А Н.** АҚШнинг МДХ мамлакатларига ёрдам бўйича мувофиқлаштирувчиси, элчи Билл Тейлор беш кунлик ташриф билан Арманистон пойтахтига келди. Режага кўра, ташриф чоғида Арманистон ҳукумати аъзолари билан учрашиб, икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади. Шунингдек, АҚШ-Арманистон иқтисодий ҳамкорлиги бўйича ишчи гуруҳини тузиш тўғрисидаги меморандум ҳам имзоланади.

**С Я Н Г А Н.** Сянган сайёҳлик уюшмаси маълумотларига кўра, ўтган йили бу ерга 10,68 миллион сайёҳ ташриф буюрган. Бу аввалги йилга нисбатан 11,5 фоиз кўп демакдир. Мисол учун, биргина 1999 йилнинг август-декабр ойларида ўлкага келган сайёҳлар сони 900 минг кишига ортган.

Сайёҳлар оқимининг кўпайиши бу ерда мазкур тизимнинг янада тараққий этишига хизмат қилмоқда, деб хабар беради "Синхуа" ахборот агентлиги.

**О Л М А О Т А.** Қозоғистонда Туркистон шаҳрининг 1500 йиллигини нишонлашга тайёргар-этноқда.

Ушбу сани нишонлаш бўйича комиссия аъзоси Мурот Журиновнинг таъкидлашича, тантана шу йил октябр ойида ўтказилиши режалаштирилмоқда. Юбилей тантанаси Туркистондаги Хожи Аҳмад Яссавий номидаги Қозоғистон-Туркия университетиде ўтказилади.



ри экани ҳақида ўтган куни баёнот берди.

**Н Ъ Ю - Й О Р К.** Дунёдаги энг бадавлат киши ҳисобланган Билл Гейтс ва унинг рафиқаси Мелинд хайрия учун яна беш миллиард АҚШ доллари ажратишга қарор қилди. Шундай қилиб, Б.Гейтс оиласи ташаббуси билан тузилган хайрия жамғарманинг умумий маблағи 21,8 миллиард долларга етди.

Жамғарма маблағлари, асосан, хорижий мамлакатларда кам таъминланган болалар соғлигини яхшилаш ва уларни ўқитиш мақсадида сарф этиб келинмоқда. Жумладан, жамғарма ўтган йилнинг ноябрида болаларни эмлаш учун 750 миллион доллар ажратган эди.

**В И Л Н Ю С.** Литва сайёҳлик департаменти маълумотига кўра, ўтган йили мамлакатга 235 минг нафар хорижлик сайёҳ ташриф буюрган. Бу 1998 йилдаги кўрсаткичга қараганда 13 фоизга кам. Сўнги йилларда мамлакатга келувчи хорижлик сайёҳлар сони бироз пасаймоқда, деди департамент вакили. Бунинг асосий сабаби, сайёҳларга хизмат кўрсатишнинг яхши такомиллашмагани, яъни Европа давлатлариникига қараганда анча пастлигидир.


**Т А Л Л И Н.** Статистик маълумотларга қараганда, Эстония аҳолиси сўнги ўн йил ичида 126 минг кишига камайган. Мамлакатда туғилишнинг пастлиги ва хорижга кетувчилар сони кўпайганлиги аҳолининг камайишига сабаб бўлаётир. Жумладан, биргина 1992 йилнинг ўзида 35 минг киши Эстонияни тарк этган. Туғилишнинг борган сари пасайиб бораётгани мамлакатда ёшларнинг камайишига, қари-

**ЭНИГА:** 1.Марказий Америкадаги ярим орол. 4.Хурмат-эҳтиром бажо келтириш. 10.Бармоқ қалқони. 11.Шеърый асар. 12.Ўлжанинг бешдан бир қисми. 13.Бахши, дoston айтувчи. 15.Ранг бериш учун ишлатиладиган модда. 16.Ўзбек шоираси Манзура Собированинг тахаллуси. 19.Безатилган, бартартиб. 20.Қадимий ҳинд ҳикматномаси "... ва Димна". 24.Ф. Фулом асари. 26.Кўзга кўринмаслик, сир, яширинлик. 27.Унга дуч келмаган маъкул. 29.Ширинликни эслатувчи Русиядаги шаҳар. 31.Сиёсий синфларнинг қаттиқ тўқнашуви. 32.Курама тизмасининг сув айирғич қисмидаги доvon. 33.Тутун шифобахш ўсимлик. 34.Баргидан тола олинадиган, меваси ейиладиган тропик ўсимлик.

**БУЙИГА:** 2.Қароқчилар тўдасининг бошлиғи. 3.Ясама тил. 5.Узвий боғланиш.6.Ўзбек шоири ва тарихчиси, Мунис Хоразмийнинг жияни. 7.Фаллафуруш, дехқон. 8.Истак, хоҳиш. 9.Хунарманднинг уйда тайёрланадиган нарсаси. 14.Зехн, фаҳм, фаросат. 15.Олтин ўрда хони, Чингизхоннинг набираси. 17.Ўзбек халқ достони. 18.Ҳикмат эгаси, файласуф. 21.Оёқ-қўлнинг ишламай қолиш касаллиги. 22.Юлдуз. 23.Қадимги циркуль. 25.Республикамизда чиқадиган оммабоп рўзнома. 27.Ишқ савдоси туфайли девона бўлган кимса. 28.Чўмичсимон рўзгор асбоби. 30.Тонгги гира-шира маҳал.

Тузувчи: Тожиали УМАРОВ

БОШҚОҲИДРА



ЖУМБОҚНИ ТОПА ОЛДИНГИЗМИ?

Газетанинг 22 январь сониде эълон қилинган бошқотирма жавоблари

**ЭНИГА:** 1. Тиқин. 5. Арбоб. 8. Помир. 9. Шинак. 10. Ралли. 12. Керосин. 13. Редиска. 14. Асати. 17. Калава. 20. Анқара. 22. Қарағай. 23. Капгир. 24. Матрос. 25. Аматиқо. 26. Зардоб. 28. Қавсоб. 31. Таран. 34. Кенгуру. 36. Анеронд. 38. Тўқоч. 39. Галва. 40. Идеал. 41. Боқон. 42. Ата-ла.

**БУЙИГА:** 1. Темур. 2. Қорасув. 3. Нишона. 4. Тунука. 5. Аскар. 6. Бородин. 7. Бўлис. 8. Пўкак. 11. Итака. 15. Сардара. 16. Тоғзира. 18. Лапар. 19. Ақраб. 20. Аймоқ. 21. Адрас. 26. Зақот. 27. Овунчоқ. 29. Америка. 30. Бедил. 31. Туйғун. 32. Роллан. 33. Нафақа. 35. Ниқоб. 37. Омега.

## Э В Т И Р О Ф

Қадримга йиғлайман дейди оқиллар,  
Мен ҳам ўз қадримни жуда суюман.  
Рост айтсам гоҳида қолганда ночор,  
Шўрлик қорнимга ҳам йиглаб қўяман.

Кўксимда курашар қувонч ва алам,  
Йўлларинг губори ёшга қоришди.

Энди қувонайми, йиғлайми, айтгин  
Тулаган ҳижронга тутайми мотам.

Нурафшон кунлардан қилиб умидвор,  
Мени шу кўйларга солгандир қисмат.  
Юрагинга мудом етказиб озор,  
Севмоғим мумкиндир мен шўрлик фақат.

Бер десанг жонимни берайин, жоним.

## Кўнани муъжизаси

Елкамга юкладинг минг бир муаммо,  
Бир-биридан оғир, мушкулдир бари.

## СЕВМОҒИМ МУМКИНДИР МЕН ШЎРЛИК ФАҚАТ

Жуда узоқ бўлди висолнинг йўли,  
Қадами тиконзор, тошлари чағир.  
Тинмай адаштирар айрилиқ чўли,  
Армон тўла қадахга айланар бағир.

Мана, висолга ҳам қолди бир қадам,  
Нихоят, севгининг туни ёришди.

Ҳолим бир кўргину изинга қайтгин,  
Кимга керак мендай нотавон одам.

Бер десанг, жонимни берайин, жоним,  
Бошқа ҳеч нарсам йўқ, ундан дардисар.  
Бойлигим, бир умр йиққан армоним,  
Ва ўтган умримдир бесар, бесамар.

Биламан, қайтмайсан покиза хилқат,  
Соғиниб яшайман эртақларингни.  
Бугун тушларимга кирасан, фақат,  
Кўзимга суртаман этакларингни.

Болалик, нурлардек мусаффо дунё,  
Ўстириб, йўлладинг балоғат сари.

Биламан, қайтмайсан покиза хилқат,  
Юракка соғинган соғинччи солгин.  
Жуда чигал экан дунёнинг иши,  
Бир марта қайтадан бағринга олгин.

Муҳаммад ҲАЙДАР

НЕМИС  
БОЛАСИНИНГ  
КУНИ  
ҚУРСИН

Германияда юз йилдан буён амал қилиб келинаётган бир қонун бор. Унга кўра болалар ёшидан қатъи назар ота-оналарига ёрдам беришлари лозим.

Масалан, бола 6 ёшгача фақат ўйнаб юради.

6 дан 10 ёшгача ота-онасига баъзан идиш-товок ювиш, уйни тозалаш, дўкондан бирор нарса сотиб олиб келишга қарашади.

10 дан 14 ёшгача боғ ишларига кўмаклашади, ўзини ва бошқаларнинг пойафзалини тозалайди.

14 ёшдан 16 ёшгача автомашина ювади, боғ ва торқада катталар билан тенг ишлайди.


16 дан 18 ёшгача агар ота-онаси ишда бўлса, ҳар ҳафтада бир марта уй кўтариб, тозалаш шарт.

ИТАЛЯНЧА  
ЖАЗО

Италияда амалда бўлган қонунга кўра денгиз сувини уйга олиб кетиш маън қилинади. Бунга риоя этмаганлар қамоққа олинади ёки катта микдорда жарима тўлашга мажбур.

Яқинда денгиз сувини ўғирлаб, автомашинасига ортаётган ёш италян йигит қўлга тушди. У идиш тўла сувни аквариумга қуйиш учун ўмарган экан.

Бундай ғалати қонун қабул қилинишига сабаб; қадимда Италияда ош тузи давлат тасарруфига олинган. Тўлкинланиб ётган денгиз сувини уйга келтириб, ундан ош тузи тайёрлаш осон. Бу эса давлат манфаатларига хилоф. Иккинчи жаҳон уруши йилларида мухтожликдан айрим кишилар денгиз сувини ўғирлашга мажбур бўлган. Ҳозир бунинг ҳолати йўқ, дўкондан сифатли ош тузининг турли



Осмон узоқ, ер қаттиқ...

А. ХАМИДОВ сурати

Пойтахтимиздаги Ҳиндистон маданият марказида Ўзбекистон Бадий академияси Республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ўқувчиларининг Ҳиндистон мустақиллик кунига бағишланган кўргазмаси очилди.

Лицей-интернат ёш рассомлари бир неча йилдан бери Ҳиндистонда ўтадиган "Шанкар" жаҳон болалари ижодиёти халқаро

танловида ўзларининг ранг-баранг асарлари билан иштирок этиб келаётир. Жумладан, Резида Собиржонова ва Ойбек Исломов танловнинг Жавоҳарлал Неру номидаги олтин медалига сазовор бўлган. Унга яқин ўқувчи эса кумуш медал ва махсус совринларни қўлга киритган.

Б.МАНСУРОВ,  
ЎЗА мухбири

хилларини сотиб олса бўлади. Аммо бир замонлар тузилган қонунга ҳалигача тузатиш киритилмаган.

МАЙ ОДАМ  
ТАНЛАМАСА,  
ҚАМОҚ ҲАМ  
ШУНДАЙ

Норвегияда маст ҳолатда автомашина ҳайдагани учун энг қаттиқ тартиб қўлланилади. Мабодро ҳайдовчининг қонида 0,05 граммгина алкогөл моддаси чиқиб қолса, у камида 3 ҳафта озодликдан маҳрум этилади. Бундай жазога лойиқ топилганлар оғир меҳнатга маҳкум қилинади.

Ҳинд одаёри  
Ўқувчилар низоҳида

Уларга нисбатан ҳеч қандай имтиёзлар, авф этишлар қўлланилмайди. Сўнгги 3 йилда 20 минг нафарга яқин кишига шундай жазо берилган. Айбдорлар орасида бир неча ҳукумат аъзолари, ҳатто қирол оиласи ҳам бор.

Доридан  
ОЗИШ ЎРНИГА  
СЕМИРИБ  
КЕТДИ

Нью-Йорклик Майкл Хебранконинг вазни 550 килограмм. Илгари оздирадиган дори ютавериби 400 килограммдан 80 килограммгача озганида, доришунослар бунини мўъжиза дея

реклама қилишди. У турли томошаларнинг севимли меҳмонига айланди.

Орадан 7 йил ўтгач, у яна оғизга тушди. Энди ичган дориларининг қудратидан 5 марта вазнини ташлаган одам сифатида эмас, балки дунёдаги энг семиз киши сифатида. Ҳар куни 70 тадан таблетка ютавериш оқибатида унинг организми ишдан чиқди. Белининг ўзи 3 метрдан зиёд бўлган бечора Майкл овқат еб тўймайди. У нонуштада ўндан зиёд тухум, бир метр узунликда ёғ солинган сандвич еса, тушлиқда уч килограммдан ортиқ пиширилган картошка ва бошқа кўглаб таомларни еб, кўрдим демайди. Яна қорним очди, дея нолийди.

"Тўқимачилик  
ва дизайн"

Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтининг бадий галереясида Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Ўзбекистон саноат", "Ўзбек ипаги" ассоциациялари, Ўзбекистон Бадий академияси Соғлом авлод йилига бағишлаб ана шу номда кўргазма ташкил этди. Унда "Тоштўқимачи" ҳиссадорлик жамияти, "Бухоротекс" ишлаб чиқариш бирлашмаси мусавирларининг ижоди намуналари, малакали дизайнерлар томонидан тайёрланган янги либослар намойиш қилинмоқда.

Кўргазма иштирокчилари тўқимачилик, тикувчилик, теритаторлик корхоналарида дизайн соҳасининг ривожи, бу борадаги янгиликлар билан танишиб, тажриба алмашдилар.

Л.СУВОНОВ,  
ЎЗА мухбири

МУХЛИСЛАР  
ШОД БЎЛДИ

Ангрен шаҳридаги Алишер Навоий номли марказлашган клублар тизими маданият марказида "Шум боланинг янги йил саргузаштлари" номли спектакл намойиш этилди. Уни "Маънавият ва маърифат" марказининг "Қадрият" театр студияси қатнашчилари саҳнага олиб чиқдилар. Томоша сўнггида Маданият маркази бадий ҳаваскорлик жамоаларининг концерт дастури намойиш этилди.

— Спектакл ва ҳаваскорлик жамоаларимизнинг ижроларидан йиғилганларнинг оз бўлсада маданий ва маънавий дунёлари бойиганлиги бизни шод этди, - деди Маданият маркази раҳбари Шокиржон Миржалилов. — Боиси, томошалардан сўнгги гулгун чехралардаги табассум миннатдорлик изҳорларидир.

"Туркистон-пресс"

## Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ  
«КАМОПОТ» ЖАМГАРМАСИ

Бош муҳаррир  
Абдуқодир НИЁЗОВ  
Навбатчи муҳаррир  
Гулнора ХОЛБЕКОВА



## Таҳририят:

Бош муҳаррир — 133-89-61  
Қабулхона — 136-59-38  
Хатлар бўлими — 133-79-69



## Манзилимиз:

700083 Тошкент Магбуотчилар кўчаси, 32-уй  
Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.  
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтани назаридан фарқланиши мумкин.